

Ёдгорова Зебо Гаффорова

қарши давлат университети, ўқитувчи

Маълумки, замонавий тилшуносликда тил ҳодисаларини антропоцентрик принципга асосланган ҳолда ўрганувчи янги илмий-тадқиқот парадигмасининг ривожланиши билан характерланувчи медиалингвистика йўналиши ривожланмоқда. Бунда “модаллик” масаласини ўрганиш асосий аҳамият касб этади, чунки модаллик категорияси тил воситасида шахснинг нафақат маданий балки когнитив йўналишини белгилайди. Зеро, “гап мазмунини баҳолашда, субъектив-модаллик хусусиятларини очиб беришда, гапнинг эмоционал-экспрессивлик мазмунини намоён қилишда **аксиологик модаллик** кенг семантик майдонни эгаллайди”.

Бу борада қайд этилган карашлардан аён бўладики, дунёнинг лисоний манзараси – мураккаб тузилма бўлиб, бир томондан, у умуминсоний мазмунни англатувчи универсал тушунчани англатса иккинчи томондан, халқнинг умуминсоний ва тарихий тажрибага, маданий тараққиёт ва тилнинг ўзига хос хусусиятларига асосланган маданиятини акс эттиради. Медиа оламини ўзига хос тарзда тасаввур қилувчи лисоний жамоа ахборот орқали дунё манзарасини ушбу халқ тилига хос номинация усулларида акс эттиради. Дарҳақиқат, модаллик доирасига ахборот узатувчининг субъектив муносабатини акс эттирувчи барча лексик бирликлар киритиладики, “...модалликни бундай тушуниш сўзловчи ҳамда вокелик орасндаги ҳар хип муносабатларни ифодаловчи категория сифатида эътироф этишга олиб келади”¹. Бундай ҳолат ахборотда модал маъноларни кенгайтишига олиб келади.

Маълумки, тилшуносликда тилни оддий мулоқот ва тафаккур қуроли сифатидагина эмас, балки миллат маданияти кўзгуси сифатида ўрганадиган йўналишларни фаол равишда ярата бошлади. Бу каби ёндашувларнинг асоси В.Гумбольдт, А.А.Потебня каби олимлар тадқиқотида ёритилган ва ҳозирга қадар тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири муаммоси борасида жуда кўп ишлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Ўзбек тилшунослиги бундан мустасно эмас албатта ва бу қувонарли ҳолат. Зеро, ҳар бир халқнинг ўз табиати, турмуш шароити, урф-одатлари, маданияти ва санъатида бўлгани каби, эртақларида ҳам ўзига хослик мавжуд. Ҳар бир халқнинг орзу-ниятлари бир-бирига ўхшаш бўлса-да, лекин ўз миллийлик хусусиятига ҳам эгадир. Дарҳақиқат, миллат маданиятининг юксалиши, унинг

¹ Усмонов С. Ўзбек тилинда сўзларнинг грамматик фермаларини. ТДПИ илмий асарлари. 42-Том. II китоб, - Тошкент, 1964, 119-бет.

тарихий анъаналари, қадриятлари, хотирасини намоён этишда тилининг аҳамияти беқиёс.

Ўзбек тилшунослигида С. Боймирзаеванинг модалликда аксиологик ёндошув борасида фикрлари ўринли ҳисоблаймиз: “Аксиологик модаллик матн коммуникатив-прагматик мазмунининг муҳим қатлами бўлиб, у ҳар қандай турдаги матнда у ёки бу кўринишда намоён бўлади. Бу турдаги модалликнинг воқеланишини таъминловчи лисоний воситалар кўлами ғоят кенг бўлиб, ушбу воситалар турли матн муҳитларида хилма-хил маъно нозикликларини ифодалаш имкониятига эга”². Зеро, “...матннинг ҳар қандай туридаги аксиологик модаллик ва баҳо ифодаси муаллиф интенцияси, эмоцияси билан боғлиқ равишда юзага чиқади. Хусусан, бадий матндан фарқли ўлароқ, публицистик матнларда фикрнинг киритма гаплар воситасида ифодаланиши муаллиф мақсади ва нияти билан боғлиқ равишда юзага чиқади.

Маълумки, турли тилларда мулоқотга киришувчилар оламини турлича кўрадилар, бинобарин, ҳар бир тилга ўзининг фикрлаш мантиқи тўғри келади. В.фон Гумбольдт ўз даврида бунга қуйидагича муносабат билдирган: “... ҳар бир тил ўзи мансуб бўлган халқини халқа ичига олиб қўяди, деб таъкидлаган эди. Бу халқадан бошқасига кирган ҳолдагина чиқиб кетиш мумкин. Турли тиллардаги белгилар бир предметнинг турлича ифодасигина эмас, балки уни турлича кўриш натижаси ҳамдир”³.

Медиамаатнлар учун модалликни ифодалашнинг образли воситалари алоҳида аҳамиятга эга ҳамда бу ҳодиса аксиология билан боғлиқ. Чунки, ҳар қандай миллий менталитет турмушнинг ўзига хос жиҳатлари, урф-одатлар, тарих ва маданиятнинг турли хусусиятларини акс эттиришда намоён бўлади.

Медиа оламини тасвирлашда таққослаш, тасдиқ, инкор, эхтимоллик, гап мазмунига фикр билдириш, тасдиқлаш орқали маъно кучайтириш каби ходисалар асосан мақол, матал ва иборалар орқали амалга оширилиши кузатилди. Булар публицистика ва бадий ифода воситалари субъектив модалликнинг ифодаси бўлиши мумкин, деб ҳисобланади. Медиамаатндаги модал маъно “...муаллиф томонидан белгиланади ва унинг мазмуни, контексти ва адресатнинг асосий билимларининг ўзаро таъсирида мужассамланади”⁴. Зеро, тилларда фразеологик бирлик ва мақолларда модаллик тушунчаси акс этган оламнинг манзараси фарқланишини кузатиш мумкин.

Модалликни аксиологик ёндошув асосидаги таҳлиллар натижасида медиамаатнда модаллик иштирокидаги мисолларда модаллик, мақолларда халқнинг маънавий маданияти, урф-одати, касби, турмуши билан бевосита

² Боймирзаева С. Матнда аксиологик модаллик. Тил ва адабиёт таълими, №4, 2010. -С. 23-3.

³ <https://www.proza.ru/2012/07/10/767>

⁴ Онербаева А.А. Категории модальности в лингвистике и переводоведении. file://C:/Users/arxiv.uz/Downloads/kategorii-modalnosti-v-lingvistike-i-perevodovedenii.pdf

боғлиқ бўлиб, қисқа, ихчам, маъно жиҳатидан салмоқдор бирликлар сифатида давр руҳига мос келган бирликлар танланиши аниқланди.

Ҳаммага маълумки, ўзбек ва инглизлар турли ижтимоий ва табиий шарт-шароитларда яшайдиган ва турли тарих, дин, феъл, ахлоқ принциплари, психологияга эга инсонлар ҳисобланади. Маълумки, мақоллар халқ миллий тилининг миллий ўзига хослигини ифода этувчи, тил бирликларининг муҳим бўлагидир. “Мақолларнинг бош вазифаси воқеликнинг объектив ҳодисаларига халқ баҳосини кўрсатиш ва шу йўл билан халқнинг дунёқарашини акс эттиришдан иборат. Мақол ва маталларда халққа хос тафаккур тарзи, қарашларнинг ўзига хос хусусиятлари ифодаланади; уларда кундалик турмуш, феъл-атвор, урф-одатлар, эътиқод ва иримлар намоён бўлади”.

Мақоллар медиа матнни таъсирчанлигини оширишга хизмат қилиш билан бирга узатилаётган ахборот маъносини чуқур идрок қилиш, муносабат билдиришга қаратилади. Кўп ҳолларда баҳолаш функциясини ҳам бажаради. Масалан, «*Яхшилик қил, дарёга ташла! – Яхшилик қилу сувга сол, бир кун албатта ўзинга қайтади, деб эшитган эдим*» (Даракчи. 23.03.2012); «*Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасму?*» (Зарафшон. 17.06.2010); «*Сиз эртамизни нималарда кўраяпсиз? "Оққан дарё яна оқади" деганларидек, биздан боболаримиз сингари камолга етишган инсонлар етишиб чиқишига ишонасизми?*» (Хуррият 2020. 1.01. № 1165) ва ҳ.к. Ушбу берилган мақоллар мисолларда сўроқ ва ундов типлари қўлланилган, *Яхшилик қил, дарёга ташла!* мисолида мақолда тасдиқ ва буйруқ модаллиги акс этган бўлса, *Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасму?* мақолида мақол трансформацияга учраган *дуо ол* буйруқ+маслаҳат тури ҳамда, *дуо олтин эмасму? модалликнинг* сўроқ типи кузатилади. «*Сиз эртамизни нималарда кўраяпсиз? "Оққан дарё яна оқади" деганларидек*» мисолида мақолдан олдинги гап сўроқ модаллиги қўлланилган ҳамда тасдиқни билдирувчи модаллик мақолда ўз аксини топган.

Газета матнлари учун модалликни ифодалашнинг образли воситалари алоҳида аҳамиятга эга. Бунда фразеологик бирликлар субъектив модалликнинг ифодаси бўлиши мумкин, деб ҳисобланади. Фразеологик бирликлар ҳам мақол, матал ва хикматли сўзлар каби ваиятга баҳо беришда аксиологик хусусиятга эга бўлади.

“Фразеологик бирликлар ёки ибора дейилганда тузилиши жиҳатдан сўз бирикмаси ёки гапга тенг, умумлашган маъно англатувчи, компонентлари қисман ёки тўлалигича кўчма маъно берувчи турғун лексик- семантик бирликлар тушунилади”⁵.

“Фразеологик бирликлар – бу алоҳида шаклланган, ифодали, тилнинг турғун лексик-семантик бирлиги бўлиб, уларда асосий белгилар тўлиқ ва

⁵ Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологизмларда функционал услубий хусусиятлар. – Тошкент, 1993. – Б.24.

қисман семантик жиҳатдан қайта инъикос этиши, таркибини ташкил этган лексик белгиларнинг кўчма маъно намоён қилиши ҳисобланади”⁶.

М.Э.Умархўжаев фразеологик бирликларнинг барча тиллар учун хос бўлган қуйидаги умумий хусусиятларини эътироф этади: фразеологизмлар барча тилларда луғавий бирлик сифатида мавжуд; иборалар нутқ ҳодисаси эмас, балки тил ҳодисасидир, улар тилда тайёр ҳолда ишлатилади; фразеологизмлар алоҳида ўз тил сатҳи ва системасига эга; фразеологизмлар фразеология ва фразеолография объектидир; фразеологик ибораларнинг структураси ва иштирок этувчи компонентлари турғун; фразеологизмлар структур-семантик нуқтаи назардан моделлашмаган; фразеологик иборалар камида икки компонентдан ташкил топган; фразеологизмлар ўзининг фразеологик маъноларига эга; фразеологик иборалар ўз парадигматикаси (синонимлар, антонимлар, семантик-структур вариантлар, семантик гуруҳлар) ҳамда синтагматикаси (ўз валентлиги, дистрибуцияси, фразеологик деривацияси)га эга; фразеологик системанинг маркази ва периферияси мавжуд; фразеологик системанинг марказий қисмида компонентлари ўзларининг лексик маъноларидан максимал даражада узоқлашган ва юқори даражада маъно интеграциясига эга турғун бирикмалар жойлашган”⁷.

Шуни таъкидлаш керакки, модаллик грамматика, лексика, интонация миқёсида, сўнгра бутун гап қисмларида намоён бўлади ва турлича усулларда намоён бўлади. Турлича грамматик ва лексик воситалар, масалан, майлнинг махсус шакллари; модал феъллар, масалан, рус тилида: мумкин, должен; инглиз: *must, can*; бошқа, масалан, русча: *кажется, пожалуй, может быть*; инглизча: *perhaps, likely* каби модал сўзлар билан ифодаланади⁸.

Шундай қилиб, босма медиаматнда модаллик турлари акс этган лексик воситаларни аниқлаш медиа оламнинг лисоний манзараси воситаларини қай тарзда қўллашани аниқлаш билан бирга уларнинг аксиологик жиҳатларни ёритишга ҳам хизмат қилади. Аксиологик мақоллар шулар жумласидандир. Модал маънога эга фразеологик бирликлар семантик жиҳатдан мураккаб ички шаклга эга бўлиб, унда турли даражалар, турли хил компонентлар, турли семалар иштирок этади. Таҳлилга тортилган ушуб воситалар, ўзининг хусусиятларига кўра медиа оламнинг лисоний манзарасини яратишда модаллик категориясини намоён бўлишида ёрдамчи восита сифатида келиши мумкин.

⁶ Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент, 1991. – Б.210.

⁷ Умархўжаев М. Тил илми уммонига қўшилган томчи. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 222–223.

⁸Блерица Т.А. Лексические средства выражения модальности возможности в английском, албанском и русском языках. Вестник РУДН, серия Теория языка. Семиотика. Семантика, 2011, № 4. –С.63-70.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Боймирзаева С. Матнда аксиологик модаллик. Тил ва адабиёт таълими, №4, 2010.
2. Блери́на Т.А. Лексические средства выражения модальности возможности в английском, албанском и русском языках. Вестник РУДН, серия Теория языка. Семиотика. Семантика, 2011, №4.
3. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологизмларда функционал услубий хусусиятлар. Тошкент, 1993.
4. Онербаева А.А. Категории модальности в лингвистике и переводоведении //C:/Users/arxiv.uz/Downloads/kategorii-modalnosti-v-lingvistike-i-perevodovedenii.pdf
5. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. Тошкент, 1991.
6. Усмонов С. Ўзбек тилида сўзларнинг грамматик фермаларини. ТДПИ илмий асарлари. 42-Том. II китоб, - Тошкент, 1964.
7. Умархўжаев М. Тил илми уммонига қўшилган томчи. Тошкент: Академнашр, 2013.
8. <https://www.proza.ru/2012/07/10/767>